

Бундеслигада бош ҳакам футболчи рўзасини очиши учун ўйинни тўхтатди



11:10 / 12.04.2022 2141

Германия Бундеслигаси 29-тури доирасидаги «Лейпциг» – «Хоффенхайм» ўйинида қизиқ ҳолат юз берди.

Учрашув давом этаётган бир паллада ифторлик вақти киргани учун бош ҳакам Бастиан Данкерт ўйинни тўхтатди ва мезбонлар сафида рўза тутган ҳимоячи Муҳаммад Симаканга оғиз очиш имкониятини яратди. Бу ҳақда tribuna.uz телеграм канали хабар берди.

«Лейпциг» ўйинчиси ифторликда сув ва ширинлик билан оғиз очар пайтда, майдондаги барча футболчилар хотиржамлик билан ўйин давом этишини кутишди.

Қайд этилишича, «Лейпциг» бош мураббийи Тедеско ўйин куни ҳам футболчиларнинг рўза тутишига қаршилиқ қилмаган. Франциялик 21 ёшли футболчи рўза тутганига қарамай, тўлиқ 90 дақиқа тўп суриб, жамоаси йирик ғалабага эришган баҳсда ўйиннинг фаол ўйинчиларидан бири бўлди.